# Ўзбекистон – Украина: ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

## ОҒА-ИНИ ХАЛҚЛАРМИЗ

***Украина Марказий Европада жойлашган мустақил давлатдир. У шимолда ва шарқда Беларусь ҳамда Россия Федерацияси, шимоли-ғарбда Польша, ғарбда Чехословакия, жануби-ғарбда Венгрия, Руминия ва Молдова билан чегарадош. Украинанинг жанубий қисмида Қора ва Азов денгизлари жойлашган. Денгиз йўли уни Туркия, Болгария, Гуржистон билан боғлайди. Босфор ва Дарданелл кўрфазлари орқали Ўртаер денгизига чиқади.***

Украинанинг ҳудуди 603,7 минг квадрат километр. Германия, Франция, Буюк Британия, Италия ва Испания каби йирик мамлакатлардан каттароқ. Аҳолиси 52 миллион киши, шундан 40 миллион нафари украин миллатига мансубдир.

Украинада давлат бошлиғи — Президент. Бу юксак лавозимни ҳозир Леонид Кучма эгаллаб турибди.

Мамлакатнинг пул бирлиги-карбованец.

Украинанинг жанубида илк палеолит давридаёқ одамлар яшаганлиги тарихдан маълум. Ўтроқ аҳоли баликчилик, овчилик билан шуғулланган. Аста-секин деҳқончилик ва чорвачилик ривож топган.

Украин миллатининг шаклланиши милоддан аввалги даврларга — Триполье маданиятига бориб тақалади. Бундан 1100 йил муқаддам бир неча Шарқий славян қабила иттифоқларини бирлаштирган қадимги Рус давлати — Киев Руси пайдо бўлди. У бора-бора ўз ҳудудини шимолда Болтиқ денгизигача, шарқда Волга дарёсигача, жанубда Қрим, ғарбда Буг дарёсигача кенгайтирди. Маҳаллий задоганларнинг кучайиши, Шарқий кўчманчиларнинг бостириб келиши билан қадимги Рус давлати бир неча князликларга бўлиниб кетди. Галич-Волинь князлиги Украина тарихида биринчи мустақил давлат бўлган, унинг жафокаш халқи қипчоқлар ва бошқа кўчманчиларнинг талон-торож ҳужумларига дучор бўлди.

XIII асрда Жанубий Украина ерлари Ботухон бошчилигидаги мўғуллар томонидан истило қилинди. Мамлакатнинг шимолий қисми поляк, литва, мажор ва бошқа чет эл босқинчилари асоратида қолди. Миллий ва диний зулмга қарши деҳқонларнинг ғалаёнлари бўлиб турди. XVII асрнинг биринчи ярмида украин халқи турк ва татар босқинчиларига қарши курашни давом эттирди. 1648 йили украин халқининг поляк шляхтачилари истибдодига қарши озодлик уруши бошланди. Унга машҳур саркарда Богдан Хмельницкий раҳбарлик қилди. 1654 йили Украина Россияга қўшилди. Бунинг натижасида у поляк шляхтачилари зулмидан ва турк босқинларидан халос бўлди.

Асримиз бошига келиб, украин халқининг миллий озодлик ҳаракати бошланди. У чоризмга қарши курашга, ижтимоий ва миллий озодликка эришиш, Ғарбий Украина аҳолисини украин халқи билан бирлаштиришга қаратилган эди.

Украин халқининг эркинлик ва мустақиллик ҳақидаги орзуси 1991 йилнинг августида рўёбга чиқди. Ўша йилнинг 24 августида мамлакат Олий Кенгаши Украинада минг йиллик давлатчилик анъаналарини тиклаб, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан келиб чиқиб, Украина давлатининг мустақиллигини эълон қилди. 1 декабрь куни ўтказилган умумхалқ Референдумида эса аҳолининг 90 фоизи бу тарихий қарорни ёқлаб овоз берди. Биринчи марта мустақил давлатнинг Президенти ҳам сайлаб олинди.

СССР тарқалиб кетгач, Украина биринчилардан бўлиб бизнинг давлатимиз билан алоқалар ўрнатишга киришди. Мустақиллигимизни таниди ва Ўзбекистонда ўз элчихонасини очди. 1991 йил 27 октябрда Украина давлат бошлиғи юртимизга ташриф буюриб, Ўзбекистон ва Украина ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари ҳақидаги битимни имзолади. Битимга кўра, икки жумҳурият фуқароларининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлари кафолатланган эди. Ўшанда икки республика иқтисодиётида барқарорликка эришиш, иқтисодиётни, Ўзбекистон ва Украина халқ хўжалигини икки ёқлама муносабатлар асосида ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилган эди.

1992 йилнинг ёзида Президентимиз Ислом Каримов давлат ташрифи билан Украинада бўлди. Олий даражадаги учрашувлар чоғида бир қатор муҳим ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон ва Украина ўртасида давлатлараро муносабатлар, дўстлик ва ҳамкорлик асослари ҳақидаги битим имзоланди. Бу икки мустақил давлат тарихида янги саҳифа очди.

1993 йилнинг бошида Украинанинг ўша пайтдаги Бош вазири Л. Кучма бошчилигидаги ҳукумат делегацияси расмий визит билан Ўзбекистонга келди. Бир йил ичида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг натижалари таҳлил этилди. Иқтисодиёт, фан ва маданият соҳасидаги ўзаро ҳаракат дастури муҳокама қилинди. Ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳақидаги бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди. Уларнинг орасида ҳаво ва темир йўл алоқаларини ривожлантириш, Украинанинг Ўзбекистонда нефть ва газ қазиб чиқарувчи комплексни ишлаб чиқишда иштироки ва бошқа ҳужжатлар бор эди.

Томонлар қонуний кучга кирган муҳим ҳужжатларни мувофиқлаштириш бўйича доимий ишлаб турадиган комиссия тузишни келишиб олдилар. Ўзбекистон Украина портлари, машҳур курорт ва болалар лагерларидан фойдаланадиган бўлди.

Бултур кузда Ўзбекистон Президентининг Украинага сафари икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни сифат жиҳатидан янада юксак босқичга кўтарди. Музокаралар давомида Ўзбекистон ва Украина раҳбарлари икки томонлама ҳамкорлик ва халқаро масалалар бўйича кенг фикрлашиб олдилар. Ўзбекистон билан Украина ўртасида иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ҳақидаги Декларация ҳамда икки томон учун манфаатли бўлган бир қанча битимлар имзоланди. Президентимиз Украина Миллий академиясининг Материалшунослик институтида бўлиб, украин олимларини Ўзбекистонга келиб, ўзбек ҳамкасблари билан биргаликда мамлакатимизда илғор технологияни жорий этиш муаммоларини ҳал этишни таклиф этди. О. К. Антонов номидаги илмий-техник комплекс ишини кўздан кечириб, Ўзбекистонда янги транспорт самолёти — АН-70 ни серияли қилиб чиқариш мумкин деган таклифни киритди. Ўзбекистон ва Украина тоғ-кон саноати, машинасозлик ва самолётсозлик, аграрсаноат комплексида, енгил саноат, нефть ва газ қазиб чиқариш ва уни сотиш соҳаларида ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини изҳор этдилар. Икки давлат етакчи халқ хўжалиги комплекслари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаб беришга рози эканликларини билдирдилар. Қўшма корхоналар фаолиятини кучайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратишни келишиб олдилар.

Украина — саноати ва қишлоқ хўжалиги юксак даражада ривожланган давлат. Унинг замини бағрида катта кўмир конлари, темир рудаси, марганец, никель, уран бор. Металлургия, кўмир қазиб чиқариш, энергетика, кимё, металлни қайта ишлаш, машинасозлик, озиқ-овқат, тўқимачилик саноатида юқори кўрсаткичларга эришган. Ҳар йили 40 миллион тонна прокат, 500 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. 105 миллион тонна темир рудаси, 165 минг тоннагача кўмир қазиб чиқарилади.

Йилига 50 миллион тоннагача дон, 7 миллион тоннагача қанд-шакар, 4 миллион тоннагача гўшт етказиб берилади. 32 миллион гектар ерда деҳқончилик қилинади.

Умуман, мамлакат худудида экологик ҳолатнинг чатоқлиги, ернинг кучсизланиб қолиши, саноат ускуналарининг эскирганлиги, халқ хўжалиги комплекси тизимининг номукаммаллиги, қайта ишловчи соҳалар ва хизмат кўрсатишнинг кам тараққий этгани иқтисодиётнинг заиф жиҳатлари бўлса-да, бу муаммоларни бартараф этиш учун юқори малакали ишчи кучи, ривожланган алоқа ва тақсимот воситалари, қулай табиий шароитлар мавжуд.

Украина билан иқтисодий ҳамкорликни яхши йўлга қўйиб, кўзланган мақсадларга эришсак, ажаб эмас. Зеро, имкониятлари катта бўлган бу давлат билан иқтисодий алоқаларимиз йилдан-йилга кенгайиб, чуқурлашиб бормоқда. Масалан, 1994 йилнинг ўзида Ўзбекистон ва Украина ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 86,3 миллион долларни ташкил этди.

Биз Украинага пахта толаси, техник ёғ, ип-газлама етказиб берамиз. У ердан, асосан, қанд-шакар, этил спирти, қора метал маҳсулотлари, пўлат трубалар келтирамиз.

Йирик корхоналар, бирлашмалар ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Харьков трактор заводи билан Тошкент трактор заводи, Антонов номидаги авиация бирлашмаси билан Чкалов номидаги авиация бирлашмаси, Киев аэрофлоти билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» компанияси ўртасидаги иқтисодий алоқалар бунинг исботи. Яқинда эса Киевдаги «Электромаш» заводи Тошкентдаги 110-мактаб жамоасига ўн минг долларлик ўқув жиҳозлари олиб бериш учун инсонпарварлик ёрдами кўрсатди. Украина Миллий академияси билан Ўзбекистон Фанлар академияси ўртасидаги муносабатлар тобора мустаҳкамланмоқда.

Меҳнатсевар ва истеъдодли, ҳамиша озодликка интилиб келган, мард украин халқи билан ўзбек халқи ўртасидаги иқтисодий, маданий ва адабий алоқалар узоқ мозийга бориб тақалади. Буюк ипак йўли орқали украин савдогарлари, ҳунармандлари дунё кезиб, Турон заминида ҳам бўлганлар. Украинлар 200 йилдан бери бизнинг ҳудудимизда эркин-эмин яшамоқда. Тарас Шевченко, Иван Франко, Леся Украинка ижодий мероси халқимизнинг маънавий ҳаётида чуқур из қолдирган. Шевченконинг «Қўбизчи» шеърий тўплами 1939 йилдаёқ ўзбек тилида чоп этилган эди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Украинадан Ўзбекистонга эвакуация қилинган кўпгина фан ва маданият арбоблари республика маданий ҳаётида фаол иштирок этдилар. Бу даврда М. Бажан, М. Терешченко ва бошқа украин адиблари Ўзбекистонда ижод қилдилар. Уруш йилларида И. Франко номидаги академик драма театри Тошкентда ишлаб турди. Ўзбек театри саҳналарида бошқа қардош халқлар ёзувчиларининг асарлари билан бир қаторда украин драматургларининг ҳам сара пьесалари саҳналаштирилди. Украина — Ўзбекистон адабиёти ва санъати намояндалари ўртасидаги ижодий ҳамкорлик яхши самаралар берди. Урушдан кейинги даврларда ҳам украин ва ўзбек адабий алоқалари янада мустаҳкамланди. Икки мамлакатда адабиёт ва санъат ҳафталиклари зўр муваффақиятлар билан ўтди. Украиналик таржимонларнинг саъй-ҳаракати, меҳнати билан қардош ва дўст халқ ўз она тилида ўзбек адабиёти намуналарини ўқишга муваффақ бўлди. А. Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони, Муқимий, Фурқат, Мирмуҳсин, Миртемир, Э. Воҳидов, А. Орипов шеърлари, Ойбекнинг «Навоий» романи ва бошқа асарлар украин тилига ағдарилган.

Ўзбек ва украин халқлари ўртасида муштараклик, ўхшаш жиҳатлар жуда кўп. Ерга муҳаббат, бошқа халқларга иззат-ҳурмат, тинч-тотувликка интилиш, бағри кенглик икки халқни бир-бирига яқинлаштирувчи омиллардир. Очарчилик, миллий истибдод, қатағон йилларида бир халқ фарзандлари иккинчи юртда бошпана топганлар. Ўзбекистонлик пахта илмининг усталари Украина ерларида «оқ олтин» етиштирганлар.

1966 йили Тошкентда зилзила рўй берганда украин қардошларимиз биринчилардан бўлиб ёрдамга келганликларини ҳеч қачон унутмаймиз. Улар қисқа муддатда 165 минг квадрат метр турар жой, мактаб, маиший бинолар қуриб бердилар. Украин бинокорлари Тошкент марказида бунёд этган мустаҳкам ва қулай турар жой бинолари икки халқ дўстлигининг тимсоли бўлиб савлат тўкиб турибди.

1994 йилдан буён Тошкентда украиналикларнинг миллий маркази — «Батькившина» («Ватан») фаолият кўрсатмоқда. Бу жамоа Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 300 мингдан зиёд ватандошларни ўз сафига бирлаштирган. Унга таниқли жамоат арбоби Станислав Петрович Мансуров — Ковриченко раҳбарлик қилади. Миллий марказ украинлар ўртасида энг яхши халқ анъаналарини ёйиш, маънавий қадриятларни тарғиб этиш, юртдошларни қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Шу кунгача марказда юздан ортиқ муҳим тадбир амалга оширилди. Украина Маданият ишлари ҳамда Миллий муносабатлар вазирликлари хориждаги юртдошларга яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Украинадан газета, журнал, китоб, турли адабиётлар юборилаётир. Миллий чолғу асбоблари, кийим-бош, миллий куйлар ёзилган кассеталар ҳам пайдар-пай келиб турибди. Яқинда ташкил этилган украин камер музика театри Украина бўйлаб ижодий сафарга ҳозирлик кўраяпти. «Украиналиклар — Ўзбекистонда» деган рангли фотоальбом тайёрлаш, Шевченконинг Марказий Осиёдаги қадамжолари бўйлаб сафар уюштириш мўлжалланмоқда. Бултур 12 нафар йигит-қиз Украина олий ўқув юртларига ўқиш учун юборилди.

Украинада ҳам ўн минглаб ватандошларимиз истиқомат қилмоқда. 1992 йилда Киевда ўзбек миллий маркази ташкил этилди. Украина Фанлар академиясининг илмий ходими Султон Обидов унга бошчилик қилаётир. Киевнинг ўзида ўттиз мингдан ортиқ ўзбеклар бўлиб, улар ерли аҳоли билан оға-инилардек, тинч-тотув яшамоқдалар.

Диёримизга Украина Президенти Леонид Кучманинг навбатдаги сафари икки мустақил давлат, икки халқ ўртасидаги иқтисодий, илмий, маданий алоқаларни янада мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилишига шак-шубҳа йўқ.

**Анвар КАРИМОВ,**
**тарих фанлари номзоди.**





## БРЮЛЛОВНИНГ СЕВИМЛИ ШОГИРДИ

**XIX асрнинг 30-40-йилларида украин адабиёти саҳнида бир деҳқон шоир пайдо бўлди. У Тарас Григорьевич Шевченко эди**

***1814 — 1861 йилларда яшаб, ижод қилган Тарас Шевченко ўз асарларида, биринчидан, крепостной деҳқонларнинг сиёсий онгида юз берган юксалишнинг илк кўринишларини, иккинчидан, Украина дворян-оқартув жамоатчилигининг демократияга интилишини кўрсатиб берди.***

Энгельгарднинг уй рассоми вазифасида ишлаб юриб, Петербургга келиб қолган ёш йигит тасвирий санъат билан астойдил шуғулланади, унинг сир-асрорини миридан-сиригача эгаллайди. 1838 йилда крепостнойликдан озод этилгач, Бадиий академиянинг эркин тингловчиси ва К. Брюлловнинг севимли ўқувчиси сифатида танилади. Ажойиб расмлар чизади. Мазкур асарларида ўз халқининг руҳий-маънавий оламини, оғир турмуш тарзини, айниқса, қишлоқ ҳаётини ҳаққоний тасвирлайди. Жумладан, унинг «Рассом қишлоқда ишламоқда» суратида кўримсизгина уй қад ростлаб турибди. Синган панжара ёнида эса челакми, кичикроқ бочками думалаб ётибди. Дарчани эслатувчи чоғроқ дераза, икки уй ўртасида ўсган дарахт, томда қаққайиб турган ягона мўри ғариб кимсани эслатади гўё. Ён томондаги уй ва дарахтлар элас-элас кўзга ташланиб қолади. Рассом ўйдим-чуқур ҳовли саҳнида ўтирибди. Унинг олд томонида бўйи пастроқ бир киши, орқа томонида эса тикроқ эркак, ёнида кучуги. Мана шу биргина ҳовли орқали мусаввир минглаб украин меҳнаткашларининг қашшоқ кун кечиришларини кўрсатиб берган.

Шевченконинг бадиий маданият тарихини чуқур ўрганиши унинг ёзувчи ва шоир бўлиб етишишига катта ёрдам берди. Украина тарихига ижодкор сифатида нигоҳ ташлади. Казак озодлиги ва шуҳратининг шоирона образини яратиб, ижтимоий ва миллий камситилишларга қарши бош кўтарди. «Котляревскийнинг мангу хотираси», «Ўйларим менинг, ўйларим менинг», «Иван Подков» каби романтик асарлари фикримизнинг исботидир.

Шоир ўз асарларида, асосан, лирик шеърларида Украина ўтмишига мурожаат қилар экан, бошқа украин романтик шоирларидан фарқли ўлароқ, халққа яқинроқ туради. Унинг Подкови, Трясилоси — демон қаҳрамонлар эмас, балки халқ оммасининг кайфиятини ўзида мужассамлаган казак йўлбошловчиларидир. Уларнинг қаҳрамонликлари замондошларини Ватан ва халқ озодлиги учун курашга отлантира олганликларида эди. Тарихий воқеа-ҳодисалардан сабоқ олиш, уларнинг озодлик ҳаракатидаги ролини тўғри баҳолаш Шевченко ижодида кўзга яққол ташланиб туради. Унинг «Гайдамаклар» деб номланган поэмасида поляк шляхтачиларига қарши халқ кўзғолони тасвирланади. Адабиётнинг тарбиявий аҳамиятига катта эътибор берилади.

1840 йили Шевченконинг бор-йўғи саккизтагина шеъридан иборат бўлган илк шеърий тўплами — «Кобзар»нинг, орадан бир йил ўтиб эса, «Гайдамаклар» поэмасининг босмадан чиқиши украин адабиёти тараққиётида бутунлай янги бир даврни бошлаб берди. Сўнгра бирин-кетин «Никита Гайдай» тарихий драмаси, «Кўр аёл» ва «Гамалия» поэмалари яратилди.

Ёзувчи ижодида тарихий мавзулар замонавийлик билан уйғунлашиб, унинг эстетик идеали оддий одамлар, крепостной деҳқонлар тимсолида танила борди. Адибнинг асарларида барча хўрликларга чидаган, оқибатда фақатгина ўзи учун эмас, балки минглаб кишилар бахти, озодлиги йўлида курашга отланган аёл образи алоҳида ўрин тутади.

Шевченко ижодий фаолиятининг иккинчи ярмида демократ шоир бўлиб танилди. Шу йилларда у ўзининг «Тризна», «Кавказ» поэмаларини, «Лилия», «Русалка» деб номланган романтик балладаларини, қатор шеърларини ёзди.

Шоирнинг кўпгина шеърларида ва «Кавказ» поэмасида чоризм сиёсатига қарши ҳаракатга ишора ифодаланган эди. Сиёсий лирикасида эса ҳар бир сўзнинг асл маъносидан ташқари, оммани отлантирувчи, қўзғатувчи кўчма маъноси ҳам бўларди. Уни соддагина қилиб, коса тагидаги нимкоса, дейиш мумкин. Бу чор амалдорларининг назаридан ҳеч қачон четда қолмасди, албатта. Шунинг учун ҳам у 1847 йили чор ҳукумати томонидан махсус Оренбург корпусига сургун қилинди. Бахтга қарши у учинчи бўлим казармасига тушиб қолди ва ёзишни давом эттирди. Бу ерда «Азобланаман, қийналаман... аммо ачинмайман», деб наъра тортувчи бўйсунмас ва енгилмас «курашчи шоир» пайдо бўла бошлади. Дастлабки уч йил ичида ўша пайтгача ёзганига қараганда икки баробар кўп ижод қилди. Сургундан озод бўлгандан кейин яратилган асарларида эса тарихий-фалсафий мавзулар етакчидир.

Шевченконинг 1847-1850 йиллардаги асарларида шахсий лирика юқори ўрин эгаллайди. Шоирнинг ўша даврдаги ижодий намуналари дунё поэзиясининг ютуқлари даражасида эди. Халқ қўшиқлари, чуқур психологизм, фалсафий теран образлар, услубий хилма-хиллик унинг асарларини янада бойитар, мазмунини кенгайтирар, айни пайтда шуҳратини оширарди. Болалик ва ўсмирлик йилларидаги ҳис туйғулари, ўз кўзи билан кўриб, бошидан кечирган воқеалар қайноқ ва таъсирчан сатрларга айланарди:

***Ўйларим, ўйларим,***
***Қадрдонларим,***
***Сиз мени тарк этган***
***Ширин онларим,***
***Қанот қоқиб ўтинг***
***Тинч дарё узра,***
***Боладай йиғлайин***
***Сиз билан бирга.***

1857 — 1858 йилларда Шевченко кундалик журнал тутган ва унга ўз ҳаётидаги муҳим саналарни, қимматли маълумотларни, фалсафий-эстетик, ижтимоий-сиёсий қарашларини қайд этиб борган. Бу ёзувчининг мемуар проза асари сифатида қадрлидир.

1858 йилнинг март ойида Шевченко Петербургга келиб, бу ердаги ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий ҳаёт билан танишади. Чернишевский, ака-ука Курочкинлар, Михайлов, Плешеев, Тургенев, Лесков, Марко Вовчок каби маданият ва озодлик ҳаракати намояндалари билан дўстлашади, «Современник» билан ижодий алоқасини мустаҳкамлайди. Адабий жамғарма, «Хата» альманахи ва биринчи украин журнали — «Основа» («Асос»)ни ташкил этишда фаол қатнашади. 1860 йилда эса Бадиий академия унга академик-рассом унвонини беради. Худди шу йили сургун қилингунча ёзилган 17 асаридан иборат «Кобзар»и нашрдан чиқади.

Шоирнинг сиёсий поэзияси ўз даврининг сиёсий муаммоларини акс эттириши билан эътиборга молик эди. У фақат халққа мурожаат этибгина қолмасдан, айни чоғда унинг куч-ғайратига, ҳаётни янгилай олишдек қудратига ишонарди. Шунинг учун унинг қатор асарлари кўп тилларга, шу жумладан, ўзбек тилига ҳам таржима қилиниб, ўқувчиларимиз қалбидан чуқур жой олган. Ватан ва халқни, қардошликни улуғловчи шеърлари эса ўзбек адабиёти дарслигига киритилган.

Ўзининг бутун ҳаёти ва ижодини халқ озодлиги курашига бағишлаган, бу йўлда қанчадан-қанча машаққатларга дучор келса-да, ортга қайтмаган Тарас Шевченко ўз сўзи ила дунёга танилди, украин адабиёти ва адабий тили ривожига улкан ҳисса қўшди. Унинг кўп қиррали ижоди прогрессив украин адабиёти тараққиётига кенг йўл очиб берди.

**Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





## СПОРТ ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

***Украина спорт соҳасида жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари билан бемалол рақобатга кириша олади. Бу юртдан жуда кўплаб жаҳон ва Олимпиада чемпионлари, қитъа биринчилиги ғолиблари етишиб чиққан. Донецклик спортчи, баландликка лангарчўп билан сакраш устаси Сергей Бубканинг қарийб 40 марта жаҳон, Олимпиада, қитъа ва мамлакат рекордларини янгилаганлиги бунинг ёрқин далилидир.***

Украинадаги энг катта стадион — Киев марказий стадиони бир йўла 100 минг томошабинни ўз бағрига сиғдиради. Бошқача айтганда, у Марказий «Пахтакор» стадионидан қарийб икки баравар каттадир. Мамлакатдаги энг йирик халқаро мусобақалар айнан шу ерда ўтказилади.

Ўзбекистон ва Украина спортчилари, гарчи собиқ СССР даврида бир қозонда қайнаган бўлсада, улар доимо бир-бири билан рақобатлашиб келган, яъни Халқлар спартакиадаларида ўз натижалари билан юқори поғоналарда ёнма-ён турган. Ушбу мамлакатларнинг спорти, шунингдек, ўзига хос анъаналарга эга. Бу, айниқса, Киевнинг «Динамо» ва Тошкентнинг «Пахтакор» футбол жамоалари ўртасидаги учрашувлар тимсолида яққол намоён бўлади. «Динамо» Тошкентга келиши арафасида шаҳримиз кўчалари байрамона тус оларди. Навоий кўчасининг у ёнидан-бу ёнигача чўзилган, йирик ҳарфлар билан ёзилган «Динамо» — меҳмонимиз» ёки «Пахтакор» — «Динамо» (Киев) учрашувига марҳамат!» каби чорловлар пойтахтликларни стадионга келишга ундар ва у ҳар сафар томошабинлар билан тўлиб-тошарди. Ҳатто Сирдарё, Жиззах ва водий вилоятларидан буюртма автобусларда гуруҳ-гуруҳ мухлислар етиб келарди. Чунки «Пахтакор» ва «Динамо» ўртасидаги учрашувлар, жамоалар қандай мавқени эгаллаб туришидан қатъий назар, доимо қизиқарли, кескин курашлар остида ўтарди. Томошабинлар ҳайқириғи билан тўлиб-тошаётган стадионда ҳатто «Динамо»нинг ўзбек мухлислари ҳам бўларди.

«Пахтакор» собиқ СССР чемпионатларида «Динамо»га қарши қирқ марта майдонга чиққан. Шундан етти учрашувда «Пахтакор», 23 марта «Динамо» ғалаба қозонган. Ўнта учрашув дуранг натижа билан тугаган. Гарчи бу рақамлар «Динамо»нинг устунлигидан далолат берса-да, киевликлар «Пахтакор»ни ўзлари учун энг ноқулай рақиб ҳисоблашарди. Буни қуйидаги далиллар ҳам тасдиқлайди. 1975 йили «Динамо» ўз тарихида энг юқори поғонага кўтарилди. Мамлакат чемпиони, биллур кубок соҳиби бўлди. Европа кубок эгалари кубоги баҳсида қитъанинг энг кучли жамоаси деб эътироф этилди ва суперкубок учун курашда ғолиб чиқди. Лекин у шу йили фақатгина Тошкентнинг «Пахтакор» жамоасидан икки марта мағлубиятга учради. Киевда 1:0, Тошкентда 5:0 (!) ҳисобида «Пахтакор» ғалаба қозонди. Энг сўнгги — 1991 йилги чемпионатда ҳам «Пахтакор» «Динамо»дан уч очко олишга муваффақ бўлди. Тошкентдаги учрашувда ҳамюртларимиз 2:0 ҳисобида устун келган бўлса, Киевда ўйин дуранг (3:3) натижа билан тугади.



«Пахтакор» ва «Динамо» жамоалари ўртасидаги алоқалар ўйинчилар ҳамда мураббийларнинг ўзаро алмашувида ҳам кўринади. Масалан, 60-йилларда «Пахтакор»да ўйнаган Сергей Доценко «Динамо» сафида ҳам тўп сурган ва мамлакат чемпиони, биллур кубок эгаси, Европа кубок эгалари кубоги ва суперкубок соҳиби бўлган. Кейинчалик эса яна «Пахтакор»га қайтиб, унга мураббийлик қилган.

Умуман, украиналик футболчиларнинг Ўзбекистонда, ҳамюртларимизнинг Украинада тўп сурганлигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, украиналик Олег Базилевич, Виктор Носов каби мутахассислар турли йилларда «Пахтакор»га мураббийлик қилган бўлса, ўзбекистонлик футболчилардан Сергей Андреев, Николай Турчиненко, Сафар Алибоев, Ринат Шаймаҳаметов, Сергей Шевченко (у 1992 йилги Украина чемпионатининг энг яхши футболчиси ҳамдир) Дмитрий Гуленков, Владислав Новиков «Таврия» жамоаси сафида Украинанинг биринчи чемпионлари бўлишди. Д. Гуленков эса яқинда Ўзбекистонга қайтиб келиб, «Навбаҳор» жамоаси шарафини ҳимоя қилаяпти.

Украина ва Ўзбекистон спортчилари ўртасидаги яқинликни бошқа спорт турларида ҳам учратиш мумкин. Масалан, мақоламиз бошида номи тилга олинган лангарчўпда баландликка сакраш бўйича жаҳон рекордчиси Сергей Бубкани ҳамюртимиз Радион Гатауллингина бир неча мусобақаларда ортда қолдирди. Жароҳатгина Радионнинг маҳорат жиҳатидан янада ўсишига халақит берди. Айни кунда Радион Германияда яшаб, спорт билан шуғулланаяпти.

Гимнастика бўйича ҳам икки юрт спортининг ўзига хос анъаналари мавжуд. Бир пайтлар ҳамюртимиз Венера Зарипова (ҳозир Исроилда) ва украиналик Ирина Дрюгина (Украина футболи «қироли» Олег Блохиннинг рафиқаси) турли мамлакатларда майдонга ёнма-ён чиқиб, Олимпиада ва жаҳон чемпионатларининг совринларини қўлга киритган бўлса, эндиликда шундай йирик мусобақаларда тошкентлик Оксана Чусовитина ва киевлик Оксана Багинская биргаликда чиқаяпти.

Гарчи кейинги йилларда Украина спорти Европа йўналишидан, Ўзбекистон Осиё ўзанидан бориб, бир-биридан ажралган бўлса-да, бугун ўзбекистонлик футболчилар Европа кубоклари баҳсларида «Динамо»га мухлислик қилмоқда, украиналик спортсеварлар эса Осиё ўйинларида Ўзбекистонни қўллаб-қувватламоқда.

Ҳа, спорт чегара билмайди. У халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилаверади. Ўйлаймизки, Украина ва Ўзбекистон спорти келажакда ҳам бир-бири билан яқин алоқада бўлади.

**Расул ЖУМАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

* * *

**СУРАТДА: Олег БЛОХИН (чапда) нафақат Украина, балки жаҳон футболи юлдузи ҳамдир. У 1975 йилги мавсумда Европа қитъасининг энг яхши футболчиси, икки карра Олимпиада ўйинларининг бронза медали совриндори, етти марта СССР чемпиони, тўрт бор СССР кубоги соҳиби бўлган. СССР чемпионатларининг барча рекордлари Олегга тегишлидир. Жумладан, у чемпионатларда 270 марта тўп киритган. Айни кунларда Блохин Грециянинг етакчи жамоаларидан бирига мураббийлик қиляпти.**



# ОММАВИЙ РАВИШДАГИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ — МАВСУМИЙ ИШ ЭМАС, ДАВР ТАҚОЗОСИ!

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда эълон қилинган «Давлат мулки бўлган корхоналарни акциялаштиришни жадаллаштириш ва қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини қисқа қилиб давлат ва жамиятни ислоҳотларнинг янги босқичига олиб чиқиш, деб баҳолаш мумкин. Бу муҳим ҳужжат туфайли йирик корхоналарни мулкчиликнинг янги шаклига ўтказиш борасидаги барча тўсиқлар олиб ташланди, республикамизнинг юз минглаб меҳнаткаш кишилари олдида акционер бўлиш, яъни саноат корхоналарига эгалик қилиш имконияти очилди.*

*Президентнинг бу Фармони узоқ муддат тайёрланди. Айрим кишилар — ишбилармонлар — уни кутарди, айримлар — фаолиятсиз ва ялқовлар эса, унинг пайдо бўлишидан қўрқарди. Бироқ Фармон айнан вақтида — давлат ва жамият ислоҳотларнинг янги даврига кирган, кишиларда хусусий мулк туйғуси уйғонган, давлат бошқарув органлари эса мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг механизмини ишлаб чиққан пайтда пайдо бўлди.*

*Нима бўлганда ҳам, хусусий мулк деган таъбирнинг замирида катта гап бор. Чунки, мулкнинг ўз эгаси бўлган мамлакатгина ўзининг монополиядан эркинлигини сақлаб қола олиши, бозор иқтисодиёти қонунлари асосида тараққий этиши мумкин. Шу ўринда америкаликларнинг роҳат-фароғатда яшаши йўлини кўрсатиб берганлардан бири Жефферсоннинг гапини эслаш жуда ўринлидир. У шундай деган эди: «Ҳар бир киши ўзи эга бўлган мулк туфайли қонун ва тартибларга риоя қилинишидан манфаатдордир. Бундай кишилар ўзининг ижтимоий фаолиятини ва эркинликнинг, агарда Европадаги жоҳиллар қўлига тушиб қолса, халқ ва алоҳида кишиларнинг бутун мулкини барбод қилишга олиб келиши мумкин бўлган қисмини яхши ҳимоя қила олади». Яхшиям, Европада бу ҳол юз бермади. Бу ҳол Европанинг шарқийроқ томонида, «СССР» деб аталган ададсиз ҳудудда юз берди. Бироқ, бу маъмурий-буйруқбозлик салтанати ҳам барҳам топди...*

*Республикамизнинг барча фуқароси эълон қилинган бу Фармоннинг мағзини чақиши керак. Биз истаймизми-йўқми, қатъи назар — бу ҳужжат аҳамияти, кўлами ва салмоғи жиҳатидан мустақиллик ҳақидаги Декларация ва Конституция қабул қилинишига тенглашади. Эҳтимол, бу гап айрим кишиларга баландпарвозроқ бўлиб туюлар, бироқ масалага ижтимоий-иқтисодий, хусусан, сиёсий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, айнан шундай эканига амин бўламиз!*

*Хўш, Президентнинг бу Фармонини бевосита уни амалга ошириши лозим бўлган кишилар қандай баҳолашади, улар бошқараётган бўлинмалар олдида қандай вазифалар турибди ва, ниҳоят, кундалик турмушимизда ҳар биримизни нималар кутмоқда? Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Юрий Пайгин, Мираброр Усмонов, бевосита Фармонни амалга ошириш зиммасига юкланган ташкилот — Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини бошқараётган Виктор Чжен, адлия вазири Алишер Мардиев ва молия вазирининг ўринбосари Абдулла Абдуқодиров мана шу мураккаб саволларга жавоб беришади.*

## МУЛК ШАКЛИНИ ЎЗГАРТИРИШ — ЯНГИЛАНИШНИ ТЕЗЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯСИДИР

***Республика Бош вазирининг ўринбосари — Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси Виктор ЧЖЕН:***

— Президентимиз Ислом Каримов Фармонига кўра, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси зиммасига мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва корхоналарни акционерлик жамиятларига айлантириш жараёнини бошқариш ва мувофиқлаштиришни ташкил этиш бўйича катта масъулият юкланган. Бу биз учун шарафли, бироқ айни пайтда масъулиятли вазифадир. Бу вазифа нима учун айнан бизнинг зиммамизга юкланган?

Биз мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш билан анчадан бери шуғулланамиз. Бу борада етарли тажриба орттирганмиз, корхона ва ташкилотларни мулкчиликнинг бир шаклидан бошқа шаклига ўтказишнинг аниқ механизми ишлаб чиқилган. Биз бу фаолиятни дастлаб кичикроқ ишлардан — уй-жойларни хусусийлаштиришдан бошладик. Кейин савдо, хизмат кўрсатиш объектлари, унча катта бўлмаган ва кичик саноат корхоналарига навбат келди. Мана энди йирик корхоналар, улкан саноат иншоотларини очиқ турдаги акционерлик жамиятларига айлантиришнинг пайти етди.

Менга кўпинча: нега бу ишни айнан ҳозир қилишимиз керак, уни янаги йилдан бошласак бўлмайдими ёки нега икки ой бурун бу ишга киришилмади, деган саволлар тушади. Шуни айтишим лозимки, бу ишга киришиш муддати хусусида тасодиф юз бергани йўқ. Бозор иқтисодиётига аста-секинлик билан, тадрижий даражада ўтиш ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлиги, ишлаб чиқариш суръатининг кескин тушиб кетмаслиги ва миллатлараро тотувлик билан бевосита боғлиқ. Мана шу муҳим омиллар туфайли, жамиятни қайта қуриш жараёни ҳеч бир нохуш ҳолларсиз кечмоқда. Биз ишни кичик нарсалардан бошлаб, кишиларни хусусий мулк эгаси бўлишнинг афзалликларига руҳан тайёрладик. Агар киши ишбилармон, ташаббускор, харидор талабини ўрганишга иштиёқманд, рақобатчилари қандай маҳсулот ишлаб чиқараётганини ҳам назаридан қочирмайдиган бўлса, бозор иқтисодиёти уни асло чўчита олмайди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришга киришган дастлабки босқичда биз бугун бу соҳада эришган тизимнинг пойдеворини қўя бошлаган эдик. Шунинг учун ҳам акционерлик жамияти тузмоқчи бўлган кишиларнинг ўша пайтда бироз довдирагани ва қийналгани тушунарли ҳол, албатта. Гоҳида вазият шу даражага бориб етган эдики, бўлажак акционер рўйхатдан ўтиши ва керакли ҳужжат олиши учун 46 та идора остонасидан ҳатлаши зарур, бунинг учун у камида 300 кунини йўқотиши керак эди. Ҳозир бу жараён жуда соддалаштирилган. Мулкчиликнинг янги шаклига ўтаётган корхона ходимлари ҳужжат тайёрлаши ва рўйхатдан ўтиши учун эллик кун кифоя қилади. Бунинг устига, энди улар Тошкентга келиб, вазирликларнинг остонасини ялашига ҳам эҳтиёж йўқ. Барча масалаларни жойларнинг ўзида Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, молия ва адлия органлари вакиллари билан ҳал қилиши мумкин. Лекин бу — рўйхатдан ўтиш жараёни устидан назорат сусайган, деган гап эмас. Турли-туман занжир ва тўсиқларнинг олдини оладиган аниқ механизм ишлаб чиқилган.

Фармоннинг аҳамияти тўғрисида гапирадиган бўлсак, шуни айтиш лозимки, у ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар руҳига тўла мос келади. Биз бу ҳужжат оммавий равишда хусусийлаштиришга ўтишга йўл очиб берди, деб ҳисоблаймиз. Нима учун? Шунинг учунки, энди аҳолининг барча қатлами вакиллари акционер бўлиш, ўз пулини ундан кўра қимматроқ қоғозга алмаштириб, шу ҳисобдан мунтазам равишда фойда олиш имконига эга бўлди. Бунинг учун жамғарма магазинлари, биржалар, махсус сармоя жамғармалари барпо этилган. Пулни маҳсулоти бозорда харидоргир бўлган, синашта корхонага сарфлаш фойдалироқ, деган фикр ҳам бор. Бу унчалик тўғри эмас. Пулини ҳатто банкрот бўлган корхонага сарфлаган акционер ҳам охир-оқибатда барибир фойда кўради. Мулк, коммуникациялар, жиҳозларнинг нархи тобора ошаверади. Агарки бирон завод ёки фабрика ўтириб қолган бўлса, бу — уни эртага уддабурро бир одам бошқариб, фойда келтирадиган корхонага айлантирмайди, деган гап эмас.

Республикамизда бундай мисоллар анчагина. Уларни ҳар бир соҳадан келтирса бўлади. Мен фақат бир мисол билан кифояланаман. Академик Шавкат Воҳидов бошқараётган, бир пайтлар ёпиқ бўлиб, тилга олинмайдиган конструкторлик бюроси узоқ вақт мобайнида космик тадқиқотлар билан шуғулланган эди. Бироқ, ҳаётнинг ўзи ижодий жамоалар фаолиятига ҳам аралашар экан. Бир маҳаллар барча учун «бегона» бўлган конструкторлар қанд-шакар заводлари ишланмаси билан шуғуллана бошлади. Натижада жаҳондаги энг сара заводлар билан беллаша оладиган завод ихтиро қилишди. Бундай заводларнинг дастлабкиси ҳозир Наманган вилоятида тикланиб бўлди.

Бироқ, афсуски, бошқа мисоллар ҳам бор. «Ўзенгилсаноат» корхоналарида хусусийлаштириш муваффақиятли кечаётганига қарамай, бу соҳада бозор шароити зарур даражада баҳоланмагани учун харидоргир бўлмаган молларни ишлаб чиқариш давом этмоқда. Мисол учун оладиган бўлсак, имкониятлари тор корхоналарда бугунги кунда харидоргир бўлмаган хонатлас ишлаб чиқариш, бунинг учун қимматбаҳо хомашёни сарф қилиш шартмиди? Хусусийлаштириш ва ундан кўриладиган манфаатни идрок қилиш учун маълум вақт керак, албатта. Мана шу вақтни бой бериб қўймасак бўлди, ишқилиб...

Яна бир муҳим масалага тўхталмоқчиман. Давлат корхоналарини акционерлик жамиятига айлантириш айрим корхоналарни банкротликка олиб келиши муқаррар. Бу — қонуний жараён бўлгани учун ҳам биз ушбу ҳолдан ташвишланмаймиз. Энг муҳими — одамлар кўчада қолмаслиги керак. Бизнинг асосий вазифамиз ҳам — вазиятни вақтида, тўғри аниқлаш, нохуш ҳодисаларнинг келиб чиқишига йўл қўймасликдан иборат. Назаримда, бундай ҳодисалар юз бермайди. Акционер бўлган, пулини қимматли қоғозларга алмаштирган кишилар раҳбарларнинг фаолиятсизлигига йўл қўймайди. Чунки, корхона қанчалик яхши ишласа, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи қанчалик паст бўлса, акционерлар оладиган фойда шунчалик кўп бўлиши аниқ кўриниб турибди!

## ҲАҚИҚИЙ ИШБИЛАРМОНЛАР ДАВРИ КЕЛДИ

***Республика Бош вазирининг ўринбосари Мираброр УСМОНОВ:***

— Хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқаришга биз 1992 йилдан бошлаб киришган эдик. Шунинг учун ҳам ишларини кўриб, биздан дарҳол фойда талаб қилаётгани йўқ, аксинча, маҳсулот ва молини узоқ келажакни ўйлаб, қисқа қилиб айтганда, савдонгизга барор берганида ҳисоб-китоб қиламиз, деган ниятдагина иқтисодиётимизга сафарбар қилмоқда. Савдо-сотиқ билан шуғулланадиган кишилар шерикка ишонч нима эканини яхши тушунишади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармони эълон қилиниши меҳнат жамоалари учун кутилмаган ҳол бўлгани йўқ, албатта.

«Ўзенгилсаноат» тизимидаги барча корхоналар ҳозирнинг ўзидаёқ акционерлик жамиятига айланишга тайёр. Бу ҳужжатнинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири шундаки, қимматли қоғозларни чиқариш ва уларни рўйхатдан ўтказиш жараёни анча жўнлаштирилган. Кўпчилик саноат корхоналарида, шунингдек, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида ишлайдиган кишилар ҳам акцияларни ўзларининг ёнидаги пул деб ҳисоблайдиган бўлган. Улар акциялар йил якунида фойда келтиради, деган фикр битта: яъни ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда, янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш зарур эди. Айни пайтда бошқа бир муҳим вазифани — корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариб, акционерлик жамиятларига айлантириш вазифасини ҳал қилишга тўғри келди. Дастлабки босқичда биз ёпиқ турдаги акционерлик жамиятлари тузиш йўлидан бордик. Бироқ, объектлар нархининг жуда қимматлигини, мулкчиликнинг бу шакли кам самара беришини ҳисобга олиб, акциялаштиришнинг самаралироқ шаклига ўтиш учун асос барпо қила бошладик.

Ўтиш даври саноат корхоналари раҳбарларини анча нарсага ўргатди. Улар боқимандалик позициясида туриш маҳсулот сифатини ошириб, яхши ишлайлик, деган қуруқ ҳайбаракаллачиликдан ҳам хавфлироқлигини, бинобарин, унинг келажаги йўқ эканини, ишларнинг ҳолатини аниқ, ҳар томонлама таҳлил қилмай, яхши йўлга қўйилган маркетинг хизматини барпо этмай туриб мақсадга эришиб бўлмаслигини англаб етишди.

Бироқ, ишлаб чиқариш учун корхоналарни қайта қуриш ва техник жиҳатдан бутунлай қайта жиҳозлашимиз мумкин. Бугина эмас. Ҳозир хорижий капитал учун яқин ўрталаргача умуман тилга олиш мумкин бўлмаган соҳалар ҳам очиб берилмоқда. Мен яқинда ишга тушган, таркибида юксак сифатли олтин бўлган аралашмаларни қайта ишлайдиган «Зарафшон-Ньюмонт» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасини назарда тутяпман.

Бу билан барча муаммолар ҳал бўлган, дейишимизга ҳали эрта, албатта. Бундай муаммолар талайгина. Улар анчагина мураккаб ҳам. Бироқ, саноат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариб, уларни акциялаштириш қанчалик мураккаб бўлмасин, иқтисодий салоҳиятимизни ўстиришнинг бундан бошқа йўли йўқ. Жаҳондаги тараққий этган мамлакатларнинг барчаси бу жараённи бошдан кечирган.

Кўпчилик раҳбарлар мулкчиликнинг янгича шаклига ўтишдан қўрқаётганининг сабаби шундаки, улар бу ҳолда ўзлари чеккага чиқиб қолишини ҳис қилиб турибди. Бунинг устига, акциялаштирилиши лозим бўлган 165 йирик корхонанинг ўндан бир қисми бугун айнан «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» ва «Маҳаллийсаноат» янги бозор муносабатларида синов майдони бўлган эди, деб баралла айтсак айб бўлмас. Биринчи бўлиш ҳар доим ҳам қийин иш. Бироқ, ана шу даврда биз бутунлай янги тизим ташкил қилишга эришдик. Мавжуд туман озиқ-овқат савдоси идоралари, ошхоналар, ресторанлар трестлари батамом тугатилди. Уларнинг ўрнида улгуржи-чакана корхоналар барпо этилди. Матлубот жамиятлари соҳасида ҳам худди ана шундай ишлар қилинди. Ҳозир вилоятларда узоқ ва тоғ қишлоқларига хизмат қиладиган ўн бештача магазиндан бўлак биронта ҳам хусусийлаштирилмаган дўкон қолмаган.

Хуллас, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ташаббускори бўлган савдо ходимлари олдида қандай қилиб, нима ҳисобидан даромад қилиш керак, деган кескин савол ҳам пайдо бўлди. Мен тафсилотларга тўхталиб ўтирмай-да, яхшиси, ўзингиз ўйлаб кўринг: республика магазинлари пештахталари молга тўлиб ётибди. Бу осонлик билан эришилган иш эмас. Молиявий масалалар, харидорларнинг талаб ва эҳтиёжини ўрганиш масалалари... Хуллас, айтаверсак, гап кўп. Шу ишларни амалга ошириш жараёнида бошқа масала ҳам пайдо бўлди: Хўш, республикамиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган сифати паст маҳсулотни нима қиламиз? Чунки, бу маҳсулотлар сифати жиҳатидан ҳам, нархи жиҳатидан ҳам четдан олиб келинаётган маҳсулотлар билан рақобат қила олмайди. Мана шу ўринда бозор қонуни ўзини намоён қилди: бундай пайтларда ё саёз жойда чўкиб қоласиз, ёки шамолдан ўринли фойдаланиб, кемангизни олға бошлайсиз. Шу иккита йўлдан бошқа йўл йўқ...

Шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, «Ўзенгилсаноат», «Ўзмебелсаноат» уюшмалари, йирик ип-йигирув ва тикувчилик корхоналари «Ҳолва пиш — оғзимга туш» қабилида иш тутишмади. Улар энг муҳим нарсани — оғир аҳволга тушиб қолинганда давлат кредит ва давлат буюртмалари билан ёрдам беришини англашди. Бу корхоналарнинг раҳбарлари хорижий сармояларни жалб этиб, улардан ишлаб чиқаришни қайта қуришни жиҳозлаш учун фойдаланишди. Бугунги кунда ип калава сифати илгаригидан анча ошгани ҳеч кимга сир эмас. Сифат ўзгаргани — хориждан келтирилаётган маҳсулот билан рақобат бошланганидан далолат беради. Ҳозир «Ўзбекмебел» маҳсулотларини омборлардан ҳам тополмайсиз. «Юлдуз», «Қизил тонг» ёрлиғи ёпиштирилган маҳсулотлар ҳам хорижий маҳсулотларга қараганда анча харидоргир бўлиб қолган.

Мен барча муаммоларимиз ҳал қилинди, деган фикрдан йироқман, албатта. Муаммоларимиз кўп. Лекин, назаримда, уларнинг барчасини ўтиш даври муаммолари деб аташ тўғрироқ бўлади. Тўғри, «Ўзенгилсаноат»нинг бир қанча корхоналарида ҳам харидорга муҳтож маҳсулот анча тўпланиб қолган. Тўғри, бир қанча корхоналарнинг жиҳозлари эскирган. Тўғри, ҳали бизда ишга тайинланганимдан кейин бирон беш йил давомида ҳеч ким ўрнимдан қўзғатолмайди, деб ўйлайдиган раҳбарлар ҳам бор.

Лекин бошқа мисоллар ҳам мавжуд. Хорижий сармоядорлар кўпчилик соҳамизга салмоқли сармоя солишмоқда. Шу ўринда айниқса бир ҳолни таъкидлашим лозимки, улар мамлакатимиздаги сиёсий барқарорлик, миллатлараро тотувлик, раҳбариятнинг иқтисодиётни жадаллаштириш борасидаги билан яшаётгани йўқ. Улар шу акциялярсиз ҳам яхши турмуш кечириш мумкинлигини яхши билишади. Бироқ, улар бу акциялар ҳар кимнинг ўзи учунгина эмас, оила аъзолари учун ҳам келажакда асқотишини ҳам яхши билишади. Аслини олганда, барча тараққий этган давлатларда бу тартиб мавжуд. Қимматли қоғоз акция эгасининг қарилик гаштини яхши суришинигина таъминлаб қолмай, унинг фарзандлари ва қариндош-уруғларининг нуфузли институтларда таълим олиши, энг яхши курортларда ҳордиқ чиқариши, уй-жой сотиб олиши имкониятини ҳам кафолатлайди.

Акциялаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш — энг оқилона йўл экани маълум. Лекин, бу мураккаб йўлда маълум қийинчиликлар учраб туриши ҳам шубҳасиз. Шуни ҳам очиқ-ойдин айтиш лозимки, бу қийинчиликларнинг кўпчилиги айрим раҳбарларнинг ўз ўрнида эмаслиги ва нўноқлиги туфайли келиб чиқмоқда. Чунки, ишлаб чиқаришнинг аҳволигина эмас, одамларнинг турмуши ҳам раҳбарнинг руҳияти, унинг ягона тўғри йўлни танлай олиш қобилиятига боғлиқ. Бироқ, афсуски, тақдир зинапояларидан ўзларига маъқул жойга чиқиб олган айрим раҳбарларнинг бу иссиқ ўринни тарк этгиси келмаяпти. Буни ҳам тушунса бўлади. Чунки, улар яқин-яқинларгача кимларнингдир ҳомийлигига умид қилиб яшаган. Энди замон ўзгарди, бундай ҳунарларнинг ҳам даври ўтди. Корхона меҳнаткашларигина эмас, моддий имконияти тақозоси билан акционер бўлган ҳар қандай киши энди бундай раҳбарларнинг салқин кабинетда ором олиб ўтириш билангина чекланишига йўл қўймайди, Чунки, энди уларнинг раҳбардан ишларнинг ҳолати ҳақида, фойданинг камайиб кетаётгани ҳақида, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатга дош беролмаётгани тўғрисида ҳисобот сўрашга ҳаққи бўлади. Биз албатта бунга эришамиз. Бошқача ўйлаётган кишилар хато қилади.

Акциялаштириш ҳаракати кўпчиликни қўрқитаётган бўлса ҳам, шуни айтиб қўйишим керакки, жиддий иқтисодий ислоҳотлар даврига кўчиш — давр тақозосидир. Чунки, биз қанчалик омборни эмас, харидорни ўйлаб иш қилсак, корхонамиз иқтисодий жиҳатдан шунчалик бақувват, республикамиз шунчалик бой бўлади, ҳар биримиз кўнглимиз тусайдиган тарзда яшаш даражасига эришамиз!

## МОНОПОЛИЯ БИЛАН БОЗОР — БИР-БИРИНИ ИНКОР ҚИЛАДИ

***Республика Бош вазирининг ўринбосари Юрий ПАЙГИН:***

— Кимё ва машинасозлик мажмуига кирувчи йирик саноат корхоналари бозор ислоҳотларининг дастлабки босқичида ўта қийин аҳволга тушиб қолган эди, десак муболаға бўлмайди. Бунинг бир қанча сабаблари бор эди. Барча саноат корхоналарининг фаолияти собиқ Иттифоқ республикаларидаги, биринчи навбатда Россиядаги бутловчи деталлар етказиб берадиган корхоналарга боғланиб қолган эди. Хомашё ва материаллар нархининг осмонга чиқиб кетиши кўпгина завод ва бирлашмаларнинг ёпилиб қолиш хавфини туғдириб қўйди. Қонуний савол туғилади: хўш, бундай вазиятда нима қилиш керак? Бу саволга жавоб ҳам

Ҳар бир корхонанинг ўзига яраша қийинчилиги бор эканини яшириб ўтирмайман. Лекин ҳар бир меҳнат жамоасида бу қийинчиликлар турли йўллар билан бартараф қилинмоқда. Айрим мисолларга тўхталайлик. «Ўзбеккимёмаш» ҳар доим юксак рентабелли, барқарор ишлаб келаётган корхона ҳисобланар эди. Бироқ, анъанавий иқтисодий алоқалар узилганидан кейин бу корхона ёпилиш даражасига келиб қолди. Аммо, корхона раҳбарлари вазирликлар эшигини қоқиб, кредит сўраб юришгани йўқ. Бунинг ўрнига анъанавий маҳсулотни ишлаб чиқаришдан тўхтатмаган ҳолда, кичик новвойхоналар барпо қилишни йўлга қўйишди. Бу новвойхоналарнинг ҳозир ҳам бозори чаққон.

Ёки «Навоийазот» бирлашмасини олайлик. Бу ерда ҳам аҳвол кўнгилдагидек эмас, шунинг учун ҳам ишчилар сонини қисқартириш ёки кишиларни пул тўланмайдиган таътилга жўнатиш мақсадга мувофиқ бўлиб қолган эди. Бироқ, корхона раҳбарлари бошқа йўлни танлашди. Навоий кон-металлургия комбинати билан кооператив равишда ҳамкорлик қилиниб, маҳаллий хомашёдан трикотаж ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган замонавий ва рақобатбардошли маҳсулотнинг нархи ихтисослашган корхоналар маҳсулотидан анча арзон. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, нитрондан маҳсулот ишлаб чиқариш навоийликларга ипдан маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга қараганда тўрт баравар арзон тушмоқда. Бундай йўлнинг топилиши корхона раҳбариятига меҳнат жамоасини сақлаб қолишгина эмас, кишиларни каттагина маош билан таъминлаш имконини ҳам берди. Ишонаверинг, янги мутахассисликларни эгаллаган, ўзларининг кераkли кишилар эканини ҳис қилган ишчилар бугунги кунда бирлашмани очиқ турдаги акционерлик жамиятига айлантиришни икки қўлини кўтариб ёқлаб чиқмоқда.

Изланиш ҳамда меҳнат жамоасига ғамхўрлик қилиш «Ўзбекхлопкомаш»да ҳам талай муаммоларни ҳал қилиш имконини берди. Пахтани қайта ишловчи корхоналар учун жиҳозлар ишлаб чиқариш камайгани учун кўпгина цехлар ярим қувват билан ишлай бошлаган эди. Аслида, буюртмачиларда пул бўлмаса, кимни айблаш мумкин? Бироқ, барибир йўл топилди: пахтани чигитдан тозалайдиган арра ишлаб чиқарила бошланди. Илгари бу арралар Россиядан олиб келинарди.

Чкалов номидаги авиация бирлашмасида ҳам меҳнат жамоасини сақлаб қолиш учун анъанавий бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқаришга киришилди. Тегирмонлар учун ишлаб чиқарилаётган қурилмалар пишиқлиги ва яхши иш бериши билан буюртмачилар эътиборини тортмоқда. «Ўртаосиёэлектроаппарат» ва «Тоштўқимачиликмашинасозлиги» меҳнат жамоалари бошқа йўлдан боришди: электр дазмоллар ишлаб чиқара бошлашди. Бу иш билан улар рақобат йўлига кирди. Рақобат эса, биласиз, кишиларда фаоллик ва ташаббуснигина эмас, ишбилармонлик хусусиятини ҳам ўстиради. Маҳсулот таннархининг арзонлашуви охир-оқибатда бўлажак харидорларни ҳам кўпайтиради. Чунки, барча пишиқ ва арзон маҳсулот сотиб олишдан манфаатдор.

Йирик корхоналар олдида катта истиқболлар очадиган бошқа йўл ҳам бор. Бу — хорижий фирма ва компаниялар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этишдир. Хорижий сармояларни жалб қилган ҳолда заводларимизни рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқара оладиган қилиб қайта ми банкротлик ҳолатига тушиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Бунга ҳам тайёр туриш керак. Корхоналарда ишлаб чиқариш турини ўзгартириш механизми ишлаб чиқилган, уларга эгалик қиламан деганлар ҳам оз эмас.

Бир нарсани такрорламоқчиман: бозор иқтисодиётига ўтиш, мулк шаклининг ўзгаришидан меҳнат жамоалари жабр кўрмаслиги керак. Бозорнинг ўзига хос қаттиқ талаблари боқимандачилик кайфиятидаги раҳбарлардан халос бўлиш, келажакни аниқ белгилаб олиш имконини яратади. Ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолгани ёки пасайиб кетаётгани хусусидаги гап-сўзларга жавобан шуни айтишим лозимки, бу гапларнинг кўпчилиги уйдирма. МДҲдаги бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиб кетишига йўл қўйилмади. Бунинг устига, биз мунтазам равишда янги корхоналар очмоқдамиз, илгари ҳеч қачон шуғулланилмаган соҳаларни ҳам ривожлантиряпмиз. Автомобилсозликдаги ишларимиз бунинг яққол далилидир. Яқинда Украина билан ҳамкорликда барпо қилинган газ ва сув ўлчагичлар ишлаб чиқарадиган иккита қўшма корхонани ишга туширамиз.

Хуллас, ташаббускорлик ва ишбилармонлик, ҳозирги шароитда тўғри йўлни танлай билиш барқарор ишлашнинг муҳим гаровидир. Ким нима деса деяверсин, бироқ бозор кучли одамларни ёқтиради!

## ҚОНУН АКЦИОНЕРЛАР ТОМОНИДА!

***Республика адлия вазири Алишер МАРДИЕВ:***

— Мен Президентимиз Ислом Каримовнинг «Давлат мулки бўлган корхоналарни акциялаштиришни жадаллаштириш ва қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг дастлабки сатрларига эътиборингизни қаратмоқчиман. Фармон мана шундай сўзлар билан бошланади: «Ўзбекистонда давлат корхоналарини очиқ турдаги акционерлик жамиятларига айлантириш суръатларини жадаллаштиришни амалга оширишга имкон берадиган норматив-ҳуқуқий база яратилди». Бу — ўта муҳим ва принципиал ҳолдир. Бозор муносабатларига ўтишнинг асосий тамойилларидан бири — давлатнинг ўзи бош ислоҳотчи бўлиши лозим экани барчага маълум. Буни ҳаётнинг ўзи тўла тасдиқлаб турибди. Мустақиллик ҳақида Декларация қабул қилинганидан кейин ўтган даврда республикамизда бозор иқтисодиёти асосларини барпо этишни таъминлайдиган қонунлар қабул қилинди, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари чиқарилди. Давлат корхоналарини мулкчиликнинг бошқа шаклига айлантириш асосан Ўзбекистон Республикасининг «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуни томонидан бошқарилади. Бу қонунда хусусийлаштиришнинг асосий тамойиллари белгилаб берилган. Жамият ва корхоналарни барпо этиш, уларнинг фаолиятини бошқариш ва бошқа ҳуқуқий асосларни таъминлайдиган «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида» сингари Қонунлар ҳам мана шу жараён билан бевосита боғлиқдир.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнининг чуқурлаша бораётгани туфайли биз қимматли қоғозлар бозорини барпо этишимиз ва ривожлантиришимиз керак бўлади. Чунки бу бозор иқтисодиётининг энг муҳим унсурларидан бири ҳисобланади. Шу туфайли «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида», «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида», «Қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялардан олинадиган солиқ тўғрисида» қонунлар ҳам қабул қилиниб, амалда иш бермоқда. Уларнинг барчаси республикамизда иқтисодий қайта қуришларнинг меъёрий ҳуқуқий асоси яратилган, дейишимизга тўла асос беради.

Бироқ биз айрим раҳбарларнинг ўз корхоналарини давлат мулкидан мулкчиликнинг бошқа шаклига айлантиришни истамаётгани ҳолларига ҳам тез-тез дуч келиб турибмиз. Нима учун бу ҳол юз беряпти? Бу саволнинг жавоби осон. Улар давлат ресурслари ҳисобига бемалол яшаб, кредитлардан фойдаланиб, ҳеч кимга керак бўлмаган маҳсулотни ишлаб чиқараверишдек беташвиш ҳаёт турганда ўз елкаларига қўшимча қийинчиликларни олгиси келмайди. Шунинг учун ҳам Фармоннинг бош мақсади — давлат корхоналарини акциялаштириш соҳасида амалда бўлган қонуний ва меъёрий ҳужжатларга сўзсиз риоя қилган ҳолда давлат қарамоғидаги монополия тузилмаларини майдалаштириш йўлидаги барча тўсиқларни бартараф этишдан иборат.

Фармонда ҳужжатларни расмийлаштириш жараёни ва акционерлик жамиятларини рўйхатга олиш муддатларини кескин қисқартириш кўзда тутилган, зарур имтиёзлар белгиланган. Энг муҳими — бу ҳужжат аҳолининг пул маблағларини кўпайтириш, уларнинг даромадини ошириш билан шуғулланадиган турли ташкилотлар тармоғини барпо этишни ҳам кўзда тутади.

Адлия вазирлигининг ислоҳотларнинг ҳозирги давридаги асосий вазифаси давлат корхоналарини акционерлик жамиятларига айлантириш жараёнида тартиб ва муддатларга сўзсиз риоя қилишни таъминлашдан иборат, албатта. Биз акциялаштиришни жадаллаштириш ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш бўйича тушунтириш ишларини олиб боришни ҳам ўзимизнинг муҳим вазифаларимиздан бири деб ҳисоблаймиз. Фармонда кўзда тутилганидек, биз Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги билан яқин ҳамкорликда ишлаймиз.

Ҳозир биз амалдаги қонунчиликка мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнини янада аниқроқ бошқарадиган ва акциялаштиришни жадаллик билан ўтказишга кўмаклашадиган зарур ўзгартишлар тайёрламоқдамиз.

## ҲАМ КЎМАК КЕРАК, ҲАМ НАЗОРАТ

***Республика молия вазирининг ўринбосари Абдулла АБДУҚОДИРОВ:***

— Президент Фармонида акциялаштиришни жадаллик билан ўтказишда иштирок этадиган барча вазирлик ва идораларнинг вазифаси аниқ кўрсатиб берилди. Яқин-яқингача қандай бўларди? Молия вазирлиги мулк шаклини ўзгартирмоқчи бўлган корхоналар вакиллари мурожаат қиладиган энг сўнгги даргоҳ эди. Бу жараён узоқ, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, азоб-уқубатда кечар эди. Энди эса рўйхатга олиш қоидалари кескин равишда соддалаштирилган. Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасида барча зарур ҳужжатлар текшириб бўлингандан кейин — у ерда, доимий ишлайдиган комиссия сафида бизнинг мутахассисларимиз ҳам бўлади — янги акционерларни давлат рўйхатига қўшиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар бизга келиб тушади. Бу ҳужжатлар тўрт қисмдан иборат бўлиб, асосий жамғармадан тортиб, акционерлар ўртасидаги тахминий тақсимотга қадар бўлган маълумотларни ўз ичига олади.

Ўзингизга маълумки, бу муҳим ҳужжатни қабул қилишдан олдин жуда пухта иш бажарилган. Бу иш натижасида корхоналарни мулкчиликнинг янги шаклига жадаллик билан ўтказиш механизми ишлаб чиқилди. Бироқ биз рентабелли ва норентабелли корхоналар бор эканини яхши биламиз. Бозор муносабатларига ўтиш билан улар орасидаги жарлик янада чуқурлашиши мумкин. Шунинг учун ҳам биз Жаҳон банки билан ҳамкорликда молиявий яккалаб қўйиш деган механизмни ишлаб чиқдик. Бу механизм нимадан иборат?

Биз молиявий хавф остида турган, бироқ иқтисодиёт уларнинг фаолиятидан манфаатдор бўлган камида 150 корхонани аниқлаймиз. Уларнинг орасидан истиқболли ва ижтимоий жиҳатдан муҳим ўрин эгаллаган 30 тага яқинини танлаб оламиз. Улар бир йил давомида молиявий яккалаб қўйиш механизми таъсирига тушмайди, яъни кредитлардан, банкларга қарзларни тўлаш муддатини чўзиш ҳуқуқидан фойдаланиш имконига эга бўлади. Бироқ, бу — улар учун ўта қулай шароит яратиб берилади, деган гап эмас. Бизнинг вакилларимиз очиқ турдаги акционерлик жамияти раҳбари билан ўзаро муносабатларимизнинг барча томони акс этган шартнома тузади. Табиийки, бундай ҳужжат бозор шарт-шароити ва истиқболни тўла ҳисобга олган ҳолда, корхонадаги ишларнинг аҳволи тўла таҳлил қилинганидан кейингина тузилади. Агар шартнома бажарилмаса, биз раҳбарга нисбатан ҳам, акционерлик жамиятига нисбатан ҳам зарур чора кўрамиз.

Бундай корхоналар тобора камайиб бораверади. Чунки биз келажакда бундай боқимандалардан тўла халос бўлишимиз керак.

Аниқ айтадиган бўлсак, Молия вазирлиги мулкчиликнинг янги шаклига ўтадиганлар учун бир қанча ҳужжатларни ишлаб чиққан. Эмиссия маълумотномасини ишлаб чиқиш, акционерлик жамиятлари акциялари эмиссиясига рухсат бериш тартиби, сармоя жамғармалари, траст компаниялари, жамғарма дўконлари ҳақидаги низомлар, қимматли қоғозлар муомаласидан тушган даромаддан солиқ олиш тартиби ҳақидаги йўриқнома шулар жумласидандир.

Хуллас, биз акционерларга ҳар жиҳатдан кўмак ва ёрдам бериш билан бирга зарар кўрадиган ва паст рентабелли корхоналарга нисбатан қаттиқ молиявий сиёсат ҳам қўллаймиз. Ислоҳотларни самарали амалга оширишнинг бундан бошқа йўли йўқ.

**Саҳифа материалларини Лев ЛЕВИН тайёрлаган.**

